



206

## Қ А Р О Р

20 10 yil « 29 » м а р т

№ 59-Қ

### **Зармитан олтин қазиб олиш зонасига ишлаб чиқариш иншоотлари қуриш учун ер ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги 159-сонли “Зармитан олтин қазиб олиш зонасида табиий бойликлардан унумли фойдаланиш ҳақида”ги қарорига, Қўшработ туман ҳокимининг 2009 йил 12 мартдаги 541-Қ ракамли қарорига ҳамда вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг 2010 йил 22 мартдаги 03/2-301-сонли йиғилиш баёнига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг 2010 йил 22 мартдаги 03/2-301-сонли йиғилиш баёни иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси (М.Рустамов), вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (И.Хамраев)га ушбу йиғилиш баёни иловасида кўрсатилган фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сотиш ҳажмлари, экинларни жойлаштириш ва ер тўғрисидаги ҳисоботларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Нуркулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ў.Барноев